

Tashkent City ҳудудидаги «Орифжон» жоме масжиди реконструкцияга тайёрланмоқда



10:45 / 22.04.2019 3478


Tashkent City ҳудудидаги «Орифжон» жоме масжиди реконструкцияга тайёрланмоқда. City дирекциясининг хабар беришича, бу борада дастлабки режа ишлаб чиқилган, жараён Ўзбекистон Фанлар академиясининг архитектор ва реставраторлари томонидан кузатиб борилади.

Қайд этишларича, тегишли мутахассислар 1915–1916 йилларда қурилган «Орифжон» жоме масжидининг ташқи ва ички қиёфасидаги ҳар бир детални ўрганиб чиққан ва бинонинг интерьерлари, томи ва гумбазларини яхлитлаш ва тиклаш зарурлиги ҳақида хулоса чиқарган.

«Реставрация иши XX аср бошидаги меъморчиликнинг барча хусусиятларини ҳисобга оладиган бўлса, концепцияга кўра, масжид биноси халқаро ишбилармонлик марказининг умумий кўринишига мос бўлиши керак», – дейилади хабарда. Айни пайтда олимлар иш лойиҳаларини тайёрлашмоқда.



TASHKENT CITY



TASHKENT CITY